2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

25 (575)

2007 йил 20 июнь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олдидан

ЁШ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Ўзбекистонда жами оилалар сонининг салкам 40 фоизини ёш оилалар ташкил этади. 2006 йилда мамлакатимизда 208 минг 423 никоҳ, шунингдек, 561 минг 391 нафар бола туғилганлиги қайд этилган. Дастлабки рақам юртимизда, давлат ва жамият ҳаётида ёш оилалар, навқирон авлод мавқеи нечоғли юқори эканлигини тасдиқласа, кейинги рақамлар бу мавқенинг келгусида янада юксалиб боришидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони аҳамияти жиҳатдан жуда муҳим, таъсир доираси қамровдор, айни чоғда, долзарб ҳуқуқий ҳужжат эканини ана шу мисоллар орқали ҳам билиш қийин эмас.

Ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси

Давлатимиз раҳбарининг фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Юртбошимизнинг ушбу фармони ҳам ёш авлодни, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган. Фармонда, аввало, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитини яхшилашга доир амалий чора-тадбирлар белгиланганлиги унинг аҳамиятини янада оширган. Зеро, ёш оила мустаҳкамлиги — фаровонлигимиз асосидир. Ёш оилада соғлом муҳит бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланади. Бинобарин, маҳалла-кўй аҳил бўлсагина, мамлакатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ёш оилаларни уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида 50 миллиард сўм ажратиладиган бўлди.

Бундан ташқари, ёш оилаларни давлат томонидан уй-жойли қилишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача ёш оилаларнинг юртимизнинг турли ҳудудларида мавжуд, давлатга қарашли, вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар, шунингдек, кўп хонадонли уйларда бўш турган хоналардан фойдаланиши учун, бир томондан, ҳуқуқий асос, иккинчи томондан, молиявий имконият, учинчи томондан эса унга эгалик қилишнинг амалий механизми етарли эмасди.

Фармонда ана шу масалаларнинг барчасига ечим топилгани эътиборга молиқдир. Хусусан, шундай бўш тураржойлар улардаги маиший шароитларнинг ёш оилалар яшаши учун мос келиши нуқтаи назаридан қисқа муддатларда инвентаризация қилинади. Сўнгра бу тураржойлар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, фармонда ёш оилаларга бериладиган мазкур уй-жойни таъмирлашни молиялаш ҳамда уни зарур санитария-маиший жиҳозлар билан таъминлаш тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми кўрсаткичларининг ошириб бажарилган суммаси ҳамда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида жалб қилинаётган ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ёш оилаларга ўзига хос ғамхўрлик намунаси бўлган ушбу ҳужжатда, бир томондан, ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, иккинчи томондан, мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, учинчи томондан эса уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат омиллари пойдевори мустаҳкамлангани эътиборлидир.

Ипотека кредити ва имтиёзлар

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки ахборот марказидан маълум қилишларича, ушбу банк томонидан Президентимиз фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз миқёсида ёш оилаларга жорий йилда 7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратиш режалаштирилган. Айни вақтда ушбу кредитларни бериш йўлга қўйилган. "Ипотека-банк"нинг жойлардаги филиаллари томонидан ҳозирги кунгача ёш оилаларга қарийб 500 миллион сўм миқдорида ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилган.

Банк томонидан кредит ажратишда ёш оилаларга бир қатор имтиёзлар ҳам берилаётир. Хусусан, ёш оилаларга ипотека кредитлари уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида бадал тўланганидан кейин, муддатига қараб, одатдаги йиллик 15-17 фоиз ўрнига 12, 13 ва 14 фоизлик тўловлар асосида ажратилмоқда.

Давоми 2-саҳифада

"Универсиада-2007"

ҲАЛОЛ, ХОЛИС ҲАКАМЛИК – ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ АНЪАНАСИ

Бу йил Тошкентда ўтказиладиган Универсиаданинг якуний босқичи бошланишига жуда оз вақт қолди. Унда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларидан 2 мингга яқин талаба иштирок этади. Улар дастлабки мусобақаларда энг яхши натижа кўрсатган бўлиб, ҳар бири ғалабага умид қилмоқда. Ҳақиқий ва муросасиз курашни таъминлашда кўп нарса ҳакамликка, спортчиларнинг натижалари қайси мезонлар бўйича баҳоланишига боғлиқ. ЎзА мухбири "Универсиада—2007" бош ҳаками, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очиловдан шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Универсиада мусобақалари спортнинг 12 тури – баскетбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, волейбол, енгил атлетика, катта теннис, стол теннриси, шахмат, футбол, гандбол ва сузиш бўйича ўтказилади, — деди А.Очилов. — Таъкидлаш жоизки, спортчилар учун жуда яхши шарт-шароитлар яратилган. 15 та йирик спорт объекти мусобақаларга тўлиқ тайёр. Уларнинг бир қисми тўла реконструкция қилинди. Кўплари эса Универсиада учун махсус қурилди. Улар орасида ёпиқ бассейнли Сув спорти саройи, спорт мажмуи, 25 метрли сузиш бассейни, "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги ажойиб янги стадион бор. Уларнинг ҳаммаси халқаро стандартларга мувофиқ, спорт иншоотларини қуришдаги энг илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда бунёд этилди, замонавий ускуналар ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозланди.

Масалан, Тошкент Тиббиёт академияси стадиони ва Тошкент Темир йўл муҳандислари институтининг тўртта кортида Универсиада учун махсус сотиб олинган ноёб қоплама ётқизилди. Зарур объектларда компьютерлаштирилган таблолар ўрнатилди. Улар спортчиларнинг натижаларини шу заҳоти қайд этади. Курашчилар беллашувлари учун ўта эгилувчанлиги билан ажралиб турадиган матлар харид қилинди. Шахмат турнирида электрон ҳисоблагичлардан фойдаланилади. Шу каби яна кўп янгиликлар йигит ва қизларга ўз иқтидорларини намойиш этишга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, Универсиада қатнашчилари янги рекордларга эришиши ва нуфузли халқаро мусобақаларга йўл очиши учун барча зарур ишлар қилинган.

Универсиада "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" каби оммавий мусобақалар сингари олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ амал қилган ҳолда ташкил этилмоқда. Ҳалол ва муросасиз беллашувлар, барча баҳслашувчиларга тенг имкониятлар яратилиши, холис ва адолатли ҳакамлик – буларнинг ҳаммаси мусобақаларнинг асоси ҳисобланади.

Иштирокчиларни мамлакатимизнинг энг яхши ҳакамлар таркиби баҳолаб боради. Бу ишга миллий, республика ва биринчи тоифали энг малакали ҳакамлар жалб этилган ва уларнинг 84 нафари вилоятлардан таклиф этилган. Барча спорт турлари бўйича бош ҳакамлар тайинланган. Мусобақалар арафасида тўртта семинар ташкил этилди. Уларда натижаларни очколарга қараб баҳолаш халқаро тизими асосида мусобақаларни ўтказиш қоидалари батафсил муҳокама қилинди. Универсиада давомида ҳар бир спорт тури бўйича шахсий ва жамоавий биринчилик ҳамда спорт анжумани финал босқичи натижаларига кўра, умумжамоа биринчилиги аниқланади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган Универсиадани "кичик Олимпиада" деб ҳам аташади ва бундай юксак баҳо, албатта, ҳакамлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бугун улар барча куч, билим ва бой амалий тажрибаларини ёш авлод вакилларининг ғалаба қозониш ва рекорд қўйиш имкониятларини намойиш этишига кўмаклашишга қаратади. Одил, ҳалол, холис, профессионал ҳакамлик Универсиадаларимиз анъанасига, бу мусобақалар юксак савиясининг яна бир муҳим мезонига айланди. Ушбу мусобақалар ўзбек спортининг шонли тарихига янги номларни киритишига ишончим комил.

Анна Иванова,
ЎзА мухбири.

"Универсиада — 2007" маёғи ёқиладиган тантанали фурсат кун сайин яқинлашмоқда. Бу маёқ алангаси "Универсиада — 2007"нинг ҳар бир иштирокчиси қалбига кўчиши, беллашувларда куч-қувват бағишлаши шубҳасиз.

Фарғона вилояти

БЎЛИМ РАИСИ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг 2002-2007 йилларда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот анжумани бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Толибжон Ҳафизов ва тафтиш комиссияси раиси Қ.Ҳасановнинг жамғарма фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маърузалари тингланди.

Бўлимнинг 5 йиллик фаолияти муҳокамасига бағишланган ушбу тадбирда "Маҳалла" жамғармаси Қувасой шаҳри, Бешариқ, Данғара туманлари бўлинмалари раислари ҳамда "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Усмонжон Бегматов, вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Одилжон Эшонқулов ва бошқалар қатнашди. Жамғарма вилоят бўлимининг ҳисобот давридаги фаолияти бир овоздан қониқарли деб топилиб, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Йиғилишда жамғарманинг вилоят бўлими раёсат аъзолиги, бошқарув раислиги ва тафтиш комиссиясига номзодлар қайта кўриб чиқилиб, Толибжон Ҳафизов "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси этиб қайта сайланди.

Қодир ШОДМОНОВ

Ташаббуснинг қаноти бор

Тошкент вилояти

ДАЛА ДЎКОНЛАРИ

у ерда сотилаётган маҳсулотлар ҳам арзон, ҳам сифатли

Вилоят маҳаллаларида аҳолига ҳамда полиз ва сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон-фермерларга қулайлик яратиш мақсадида маҳалла дала дўконлари (бозорчаси)ни ташкил этиш ташаббуси бошланган эди.

Натижада "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмалари ташкилотчилигида маҳаллалар маркази ва аҳолига қулай бўлган жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи камида 10 та савдо растасидан иборат дала дўконлари ташкил қилинаяпти. Шунингдек, ушбу бозорчалар ёнидан гўшт ва тухум сотишга мўлжалланган замонавий турғун савдо шахобчаларини барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

Бозорчаларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, гўшт ва тухум билан ўз вақтида таъминлаб туриш мақсадида деҳқон-фермерларни жалб қилиш ва нарх-навони назорат қилиб бориш ҳудудий давлат солиқ инспекцияси ходимлари ва фуқаролар йиғинлари раислари зиммасига юклатилган.

Натижада Бекобод туманидаги мавжуд 50 та маҳалланинг 47 тасида дала дўконлари ташкил этилди. Улар билан ёнма-ён кўчма савдо шахобчалари ҳам фаолият юритмоқда. Қибрай туманида 60 дан ортиқ, Бўка туманида 13 та, вилоят бўйича эса жами бўлиб 700 тадан ортиқ дала дўконлари мавжуд.

— Маҳаллаларда дала дўконларининг ташкил этилиши аҳолининг узоғини яқин қилди. Қолаверса, энди истеъмолчилар ишончли маҳсулотларни анча арзон нархларда сотиб олиш имкониятига ҳам эга, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими масъул котиби Мастура Қорабоева.

Мазкур бозорчаларнинг 283 таси тадбиркорлар, 271 таси фермерлар, 114 таси турли корхоналар, 25 таси маҳалла фуқаролар йиғинлари ва 20 таси "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмалари томонидан қуриб берилди.

Ашурали БОЙМУРОД

Тошкент шаҳри

Ислоҳот самараси

Айни пайтда юртдошларимизга фуқаролик паспортларини топшириш борасида самарали тизим жорий этилмоқда.

ПАСПОРТ МАҲАЛЛАДА ТОПШИРИЛМОҚДА

Хусусан, Собир Раҳимов тумани ИИБ паспорт бўлинмаси ходимлари томонидан туманнинг Обод, Ёшлик, Тахтапул, Ҳофиз Кўҳакий, Генерал Ғофуров номли маҳаллаларидаги милиция таянч пунктларида фуқароларга паспорт бериш ва алмаштириш йўлга қўйилиб, бу ишлар туман паспорт бўлинмасидаги қабул муддатларига қўшимча равишда ҳафтанинг белгиланган кунларида амалга оширилмоқда. Шунингдек, маҳалла ва унга ҳудудий жиҳатдан қўшни бўлган маҳаллалар аҳолисига паспорт билан боғлиқ барча масалаларда фуқароларнинг қабули ташкил этилди.

Куни кеча туманнинг Ҳофиз Кўҳакий маҳалласида биринчи марта фуқаролик паспортини олаётган ёшларга паспорт топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда туман паспорт бўлинмаси ходимлари, маҳалла вакиллари иштирок этдилар.

— Фуқароларга тантанали равишда паспорт топшириш маросимларини ташкил этишдан мақсад аҳолига қулайлик яратиш, энг асосийси, вақтни тежашдир, — дейди туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи Алишер Мирзаев. — Қолаверса, бундай тадбирлар, айниқса, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшларда катта таассурот қолдиради, уларнинг қалбида фахр-ифтихор туйғуларини шакллантиради.

Содиқ НОРБОЕВ

— Яна нима дейсиз?
— Ой Зуҳранинг «йўли»ни тўсган эмиш, кўрдингизми, жўра?

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Саҳифаларимизда ўқинг:

2
- Имтиёзли кредит керакми? "Ипотека-банк"ка боринг!
- Шунчалик гумроҳмидинг, Гулбаҳор?

3
- Икки сайёранинг "сирли" учрашуви...
- Фермадаги иш кийими рангини ...товуқлар танлайди!

4
- 12-қаватдан йиқилган қизалоқ бироз қўрқибди холос!
- Жиноятчи "Дарбанд"да панд еди-ку!..

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олдидан

ЁШ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда, хонадон сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига кирмайди. Мабодо уй-жой сотиб олинган кундан бошлаб 5 йил ичида сотиб юборилса, ёш оиланинг даромадлари жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади.

Яна бир қулайлик — хўжалик субъектлари томонидан қайтариб олмаслик шарти билан ёш оила тоифасига кирувчи ходимларига ипотека кредити бадалларини тўлашга ёки мулк сифатида уй-жой сотиб олишга рухсат этилди ҳамда хўжалик субъектларига ушбу маблағлар миқдорига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашдаги солиққа тортиладиган базасини камайтириш ҳуқуқи берилди. Бошқача айтганда, дастлабки бадални ёш оилаларнинг иш берувчилари, яъни юридик шахслар ҳам тўлашлари мумкин. Бу ҳам оилага катта мадад бўлади.

Ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олиши ёки қуриши, ўз уй хўжалигини йўлга қўйиши масалаларида айнан ипотека кредитларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки кредитнинг бу тури ниҳоятда истиқболли бўлиб, аҳоли турмуш даражасини оширишда катта аҳамиятга эга эканлиги жаҳон тажрибасида ўз исботини топган.

Ипотека нима? У кўчмас мулкни гаровга олиш эвазига бериладиган қарз, демакдир. Маълумки, аҳоли сони ўсгани сайин унинг уй-жойга ва бу муаммони ҳал этишга кўмаклашувчи ипотека кредитига эҳтиёжи ҳам ошиб бораверади. Бу кредитлар аҳолининг уй-жой муаммосини ҳал этишдан ташқари, хизмат кўрсатиш, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасининг, қурилиш хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг, иккиламчи уй-жой бозорининг ривожланишига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади.

Ипотека кредитининг ўзига хос муҳим хусусияти шундаки, қурилаётган ёки таъмирланаётган, сотиб олинаётган уй-жойнинг ўзи гаровга қўйилади. Демак, ипотека кредити олувчи қурилаётган ёки сотиб олинаётган уйда яшаб туриб, қарзини узоқ йиллар давомида тўлайди. Шу жиҳатдан, кредитнинг бу қулай тури уй қуриш ёки сотиб олиш учун маблағи етмаган ёш оила учун қанчалик катта мадад экани аён бўлади.

Хорижлик мутахассисларнинг эътироф этишича, юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан йўлга қўйилган ипотека кредити тизими кредитларининг арзонлиги ва қулайлиги билан дунё мамлакатлари тажрибасида кам учрайдиган ҳодисадир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш билан боғлиқ масъулиятли вазифалар Юртбошимизнинг доимий эътиборида.

Ёш оилалар учун қуриладиган уйлар қандай бўлиши керак?

Ёш оилаларга берилаётган ипотека кредитлари миқдорлари ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки маълумотларига қараганда, ҳукуматимизнинг бу борадаги моддий қўллаб-қувватлашидан манфаатдор юртдошларимизнинг аниқ мақсадларидан келиб чиқиб, якка тартибда уй-жой қуриш ва уни сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваридан ошмаган миқдорда ипотека кредитлари берилади. Якка тартибда қурилган уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп хонадонли уйдан квартира сотиб олиш учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача миқдорда кредит ажратилади.

Хўш, бу маблағ ёш оиланинг уй қуриши, таъмирлаши ёки сотиб олиши учун кўпми ёки оз?

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик жараёнлари тураржой меъморлигида ҳам янги, замонавий қурилиш мезонлари ва қоидалари қабул қилинишига туртки бўлди. Давлат томонидан молияланадиган кўп қаватли ва коттеж тураржойлари билан бир қаторда якка тартибдаги шахсий уйлар, жумладан, мўҳташам, маҳобатли, бошқача айтганда, "элита" уйлар қуриш кенг тарқалди.

Шундай ҳашаматли уй-жойга эга бўлиш учун юқорида қайд этилган миқдордаги кредит камлик қилиши турган гап, албатта. Айни чоғда, қонунчиликка мувофиқ, Президентимиз фармони татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кириши белгилаб қўйилган. Табиийки, бундай ёшларнинг орзуси, авваламбор, турмушнинг ортиқча ҳою-ҳавасу зеб-ҳашамларига чалғимай, аксинча, ўқишда, ишда, касб-ҳунарни пухта эгаллашда ўзини имкон қадар ёрқинроқ намоён этиш, шахс сифатида тезроқ шаклланиб, ҳаётда муносиб ўрнини топиш, жамиятда эътибор ва мавқе орттиришдир. Қолаверса, ёш оила таркиби ихчам — 2-4 аъзодан иборат бўлади ва данғиллама уй-жойга эҳтиёж сезмайди.

Банк одатда кредит олаётган шахснинг тўлов қобилиятини ўрганади, унинг барқарор иш ўрни ва даромадга эга эканлиги, бу даромад кредит ва унинг фоизларини белгиланган муддатда тўлаб бориш учун етарли эканлигини ҳисобга олиб, шундан кейингина кредит ажратади. Бу, ўз навбатида, уй-жой муаммосини ҳал этишга бел боғлаган ёшларнинг муайян даражада даромад эгаси бўлишини талаб этади.

Шу маънода, ёш оилага уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ёки сотиб олиш учун бериладиган ипотека кредитлари мактаб, лицей ёки коллежни битириб, муайян жойда ишлаш асосида тегишли касб-ҳунарни пухта эгаллашга астойдил бел боғлаган ёш ишчи-ходимлар, олий ўқув юртларида таҳсил олган навқирон мутахассислар, шу каби бошқа кўплаб ёшларимиз учун айни муддаодир.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун ёш оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ана шу кенг имтиёзлардан фойдаланиш истагидаги ёшларнинг ўзи гапнинг лўндасини айтмоқда. Уларнинг фикрича, ҳаётга умид билан қадам қўйган ёш оила учун уй-жойнинг энг муҳим сифатлари — унинг ҳашамати ёки маҳобати эмас, балки қулайлиги ва замонавийлигидир.

Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда истеъдодли, иродали, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган янги авлод вояга етмоқда. Ёшлар ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, халқимиз, Президентимиз уларга катта умид боғлаётганини яхши англайди. Улар бу ишончни аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнатлари билан оқлашга астойдил ҳаракат қилаётир.

Ёш оилалар ўзлари қурган янги рўзғор учун ғурур ва масъулият ҳиссини янада теран англашга, ота-оналари, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, дунёга келган ва дунёга келажак фарзандларини халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида тарбиялашга интилиб яшамоқда.

Бинобарин, буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида навқирон авлодни, ёш оилаларни нафақат моддий-молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самараларидир.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

Қашқадарё вилояти

СОҒЛОМ ОИЛА — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Ғузор тумани марказидаги ҳамда тумандаги Мирзо Турсунзода номли ва Қарши шаҳридаги Рогузар маҳаллалари фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Уларда ёш оилалар, кам таъминланган ва кўп болали хонадонлар аъзолари, мутасаддилар ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари ёш оилалар учун белгиланган имконият ва имтиёзлар хусусида тўлиқ маълумот олдилар.

Шунингдек, тадбирда ёш оилалар вакиллари сўз олиб, имтиёзли шартлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш (ижарага олиш), уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебел ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун кредитлар ажратилиши ва бошқа ғамхўрликлар учун Президентимиздан ғоятда миннатдор эканликларини билдирдилар.

Қ.ЭҒАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

"ИПОТЕКА-БАНК" дан ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

бу ёш оилаларнинг уй-жой билан боғлиқ муаммоларига ечим бўлмоқда

Маълумки, бундан икки йил аввал Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ аҳолининг уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Ўзуйжойжамғармабанк" ва "Заминбанк"ининг бирлаштирилиши натижасида "Ипотека-банк" АТИБ ташкил этилган эди.

Айни пайтда мазкур банк жойларда ўзининг филиалларига ва минглаб мижозларига эга. Жумладан, "Ипотека-банк" АТИБнинг Самарқанд вилояти филиали ҳам ҳудуд аҳолисига намунали хизмат кўрсатаётган банклардан ҳисобланади. Бугунги кунда банк филиалининг мижозлари сони 3864 тага етган бўлиб, уларнинг 1495 таси кичик бизнес субъектларидир.

— Жорий йилнинг июнь ойига қадар банкимиз саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида 180 нафар мижозга жами 2463,6 миллион сўм миқдорида кредит ажратди, — дейди "Ипотека-банк"нинг вилоят филиали бошқаруви раиси Жамшид Қобилов. — Шунингдек, Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам филиалимиз томонидан ёш оилаларга имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини бериш кўзда тутилган. Хусусан, ёш оилалар 25 фоиз миқдоридаги бошланғич бадални тўлагач, 10 йил муддатга 14 фоизлик, 5 йилга 13 фоизлик ва 3 йилга 12 фоизлик кредит олиш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, "Ипотека-банк"нинг вилоят филиалида истеъмол кредитини бериш ҳам йўлга қўйилган. Бунда ҳам ёш оилаларга маълум чегирмалар бор. Масалан, оддий фуқароларга бошланғич бадал кредит миқдоридан 30 фоиз ва йилига 14 фоизлик устама билан кредит ажратилса, ёш оилалар учун бошланғич бадал 10 фоиз ва йиллик устама миқдори 17 фоизни ташкил этади.

— Мен коллежда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ёш оиламиз. Уй-жой масаласида ҳам бироз қийналаётгандик. Президентимизнинг Фармонини ўқиб, "Ипотека-банк" мутасаддиларига мурожаат қилдик ва уй-жой сотиб олиш учун 11 миллион 250 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдик, — дейди иштихонлик Мадина Вилоятова. — Ҳукуматимиз томонидан биз каби ёш оилаларнинг турмушимизни фаровон қилиш йўлида яратилаётган қулайликлар ва шарт-шароитлардан жуда мамнунмиз.

Рустам ХАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

УЙЛИ ҲАМ, ИШЛИ ҲАМ КЎПАЯДИ

Маҳалламиз Тўрақўрғон туманида жойлашган. Одатда, йиғин ҳудудидаги мавжуд муаммоларни маҳалла фаоллари билан кенгашиб ёки ҳомийларни жалб қилган ҳолда ҳал этамиз.

Бироқ шунга қарамай маҳалламизда 50 дан зиёд ёш оилалар уй-жой сотиб-олиш, қуриш ёки уй хўжалигини йўлга қўйиш масаласида қийинчиликларга дуч келишмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этишда Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони айни муддао бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари, мазкур Фармон бандлик муаммосининг ечимини топиш, касаначилик, кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам қўл келиши аниқ. Сабаби, ҳозирги кунда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган ёшларимиз талайгина. Масалан, имтиёзли кредит олган фуқаро кичик корхона ёки фирма ташкил қилса, бу ўнлаб кишиларни иш билан таъминлаш учун имконият туғдиради.

Айни пайтда маҳалламизда ёш оилаларга Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Улфатхон ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Қуйимозор маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

"ТОШКЕНТ — ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ" КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент Ислом университети билан ҳамкорликда ташкил этилган "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" мавзуидаги кўргазма очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н.Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти С.Ғуломов, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, бой маънавий меросимизни мукаммал ўрганиш, асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ёш авлодга безавол етказиш ва шу орқали халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида тарихимизга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Халқимиз маънавиятининг юксалиши, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ бундай эзгу ишлар жаҳон миқёсида ҳам кенг эътироф этилмоқда. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бунинг яна бир ёрқин далилидир.

"Тошкент — ислом маданияти пойтахти" деб номланган ушбу кўргазмада моддий ва маънавий ёдгорликлар — археологик топилмалар, санъат асарлари, ҳунармандлик буюмлари, ноёб қўлёзмалар билан танишиш мумкин. Айниқса, кўргазмада намойиш этилаётган муқаддас Қуръоннинг X асрда куфий ёзувида кўчирилган нусхаси, Фаридиддин Атторнинг XV асрда настаълиқ ёзувидаги "Ситтаи Аттор", Жалолиддин Румийнинг XVII асрда кўчирилган "Маънавий маснавий", Бурҳониддин Марғинонийнинг 1600 йилда кўчирилган "Ал-Ҳидоя" каби нодир асарлари қўлёзмалари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

— Ушбу кўргазма томошабинларда улкан ҳаяжон ва қизиқиш уйғотиши шубҳасиз, — дейди австралиялик тарихчи олим Гай Петербриж. — Ундаги ҳар бир экспонат Ўзбекистон ислом дини ривожига бемисл ҳисса қўшган кўплаб улуғ зотлар, мутафаккирлар диёри эканидан далолат бериб турибди. Айни пайтда аждодларингизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида мамлакатингизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: *кўргазма кенг жамоатчилик этиборини жалб этди.*

Воқелик ва тафсилот

Айбини билган — АВЛИЁ

Шу йил 12 июнь куни Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир нечта моддалари, хусусан, мамлакат конституциявий тузумига тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш билан боғлиқ моддалари бўйича айбдор деб топилган ва олти йилга озодликдан маҳрум этилган Гулбаҳор Тўраеванинг апелляция аризаси суд мажлисида кўриб чиқилди ва ...

Г.Тўраеванинг олти йиллик қамоқ муддати уч йиллик синов муддатли шартли жазо билан алмаштирилди ҳамда у тўппа-тўғри суд залининг ўзида озод этилди.

Маълумки, Г.Тўраева Ўзбекистон суд маҳкамалари томонидан инсонпарварлик ва бағрикенглик кўрсатилган ягона аёл эмас. Яқинда худди шундай жиноят учун ҳукм этилган Умида Ниёзованинг ўз қилмишларига сидқидилдан пушаймон бўлиб қилган тавба-тазарруси инобатга олинган ва у ҳам озодликка чиқарилган эди.

Бундай изчил инсонпарварлик сиёсати, бир томондан, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо ягона Концепцияси жорий этилаётганлиги ва унинг ҳаётимизда яққол намоён бўлаётган самараларига навбатдаги амалий мисоллар бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиз одил судлов тизими ўз фаолиятида инсонпарварлик ва адолат тамойилларига қатъий амал қилаётганлигининг ўзига хос исботидир.

Албатта, яна бир муҳим, таъбир жоиз бўлса, энг муҳим жиҳат — Г.Тўраеванинг ҳам, У.Ниёзованинг ҳам ўз айбига тўла иқрори, айбини очиқ тан олгани ва қилмишидан тўла пушаймон бўлиб, астойдил тавба-тазарру қилганидир.

Биз қуйида айнан Г.Тўраеванинг ўзи содир этган жиноятларнинг сабаб-оқибатларини тўлиқ англаган ҳолда қилган барча кирдикорларини бўйнига олиб суд залида пушаймонлик билан сўзлаган гаплари, унинг ўз ибораси билан айтганда: "юрак-юракдан, чин қалбдан, сидқидилдан қилган тавба-тазарру"си хусусида имкон қадар фикр-мулоҳаза юритмоқчимиз. Зотан, Г.Тўраевани озодликка чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган ушбу суд жараёни Андижон шаҳри жамоатчилиги, журналистлар, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олингани ҳам бизга бу мавзуда батафсилроқ тўхталиш ҳуқуқини беради.

Хўш, Гулбаҳор Тўраева аслида ким?

У — тўрт нафар норасида боланинг онаси, 83 ёшида қаровсиз қолган отанинг қизи, тиббиёт ходими.

У — ўзбек, Ўзбекистонда туғилиб-ўсган ва таълим олган фуқаро.

У — билиб-билмай "ўзи сув ичган қудуққа тупурган"лардан бири.

Г.Тўраева 2005 йил май ойида террорчилар томонидан содир этилган машъум фожиа — Андижон воқеаларидан сўнг шу фитнага бош-қош бўлган ёвуз кучларнинг таъсир доирасига тушиб қолади. Г.Тўраеванинг ўзи судда очиқ-ошкора айтганидек, бунда "унинг ожизалиги, соддалиги, ишонувчанлиги айрим мунофиқ кимсаларга жуда қўл келган".

Ўша даврда Ўзбекистон давлати ва халқи шаънига туҳмат, иғво, уйдирма ва бўҳтон ёғдириш, ҳозирги замон тилида айтганда, ахборот хуружи уюштириш борасида Г.Тўраева ҳам асло бўш келмаган — ўз эл-юрти устидан "мағзава" ағдаришга устамонлигини кўрсатишга обдон интилган. Афсуски, у хорижий ОАВ орқали ана шундай "танқидий" (аслида — нохолис) чиқишлар қилиш билан чекланиб қолмаган, аксинча, ўзининг фисқ-фасод ишларини турли кўринишларда давом эттирган.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Жорий йилнинг январь ойида Г.Тўраева Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасида қўлга олинди. Аниқланишича, ўшанда унинг ёнидан мамлакатимизда тақиқланган, конституциявий тузумга қарши қуролли тажовуз уюштиришга даъват этувчи бир қанча адабиётлар чиққан.

Ҳа, Г.Тўраеванинг, эртакларда айтилганидек, бир думалаб оқ халатли шифокордан қора ниятли "ҳуқуқ ҳимоячиси"га айланиб қолишида ўзини "журналист", "инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси" деб атовчи, аслида эса, Г.Тўраеванинг ўзи муносиб таъриф берганидек, "арзимас шов-шувни имону виждони билан қўшиб пуллашга шай" айрим ахлоксиз ва қабиҳ ниятли кимсаларнинг "ҳисса"си катта бўлган.

Г.Тўраева судда бу ҳақда расмий баёнот берар экан, Галима Бухарбаева, немис журналисти Маркус Бенсман, Нигора Ҳидоятова ва бошқалар ёлғон-яшиқ, уйдирма гапларни тарқатиб, қандай бўлмасин Ўзбекистоннинг обрў-эътиборига доғ туширишга ва ана шундай кирдикорлари ортидан мўмайгина пул ишлашга ружу қўйганлигини айтиб ўтди. Унинг ўзи ҳам ўшаларнинг тузоғига тушиб қолганлигини, шу тариқа жиноий, аммо енгил йўл билан рўзғорини тўкин-сочин қилишни ўйлаб адашганлигини, оқибатда қонунга хилоф иш тутганлигини ва ҳақли равишда қамоқ жазосига маҳкум этилганлигини, бу қилмишларидан эндиликда чуқур афсус-надоматда эканини тан олди.

Г.Тўраева ўзининг "раҳнамо"лари ҳақида сўзлаш асносида, "улардан бири — Нигора Ҳидоятова яхшигина ҳақ тўлайман, деб мени лақиллатди ва гўёки Андижон воқеалари даврида 500 одам ўлдирилганлиги ва уларнинг мурдаларини Андижон шаҳридаги мактабда кўрганлигим ҳақида ўзи тайёрлаган сохта материални ўқиб беришга мажбур қилди", деб айтди.

Унинг бу сўзлари ўзи кўрмаган-билмаган воқеалар ҳақида асоссиз гап-сўзлар тарқатиб, тўғри-нотўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилмаган, мазмун-моҳиятини узил-кесил тушуниб етмаган шубҳали ишларга бош суққани туфайли бировларнинг қўлида қўғирчоқ бўлганини ниҳоят англаб етганлигидан гувоҳлик бериб турибди, назаримизда.

> **"Яхши ҳам мени вақтида тўхтатиб қолишди. Бундан кўра оғир, тузатиб бўлмас хатоларни содир этишимнинг олди олинганига шукр қиламан, — дейди энди у хўрсиниб. — Бу сўзларимни жон қулоғингиз билан тингланг, ақл-тафаккурингиз билан мушоҳада қилинг. Токи бошқалар йўл қўйган хатони сиз ҳам такрорламанг".**

Энг ачинарлиси, эл-юртимизга қарата тош отувчи баъзи ичиқора кишиларнинг тегирмонига сув қуйган Г.Тўраева, охир-оқибатда, юртдошлари, мўйсафид отаси, жондан азиз, суюкли фарзандлари олдида юзи шувит бўлиб қолди. "Яхши ҳам мени вақтида тўхтатиб қолишди. Бундан кўра оғир, тузатиб бўлмас хатоларни содир этишимнинг олди олинганига шукр қиламан, — дейди энди у хўрсиниб. — Бу сўзларимни жон қулоғингиз билан тингланг, ақл-тафаккурингиз билан мушоҳада қилинг. Токи бошқалар йўл қўйган хатони сиз ҳам такрорламанг".

Дарвоқе, Г.Тўраева ўзига ваъда қилинган ўша пулларни ҳалигача ололгани йўқ. Боз устига, ҳатто ҳибсга тушганидан кейин ҳам "сафдош"лари ундан ўз қинғир мақсадлари йўлида фойдаланишда ва унга нисбатан олиб борилган адолатли суд жараёнлари ҳақида бўлмағур уйдирмаларни тўқиб, аюҳаннос солишда давом этдилар. "Бошимга тушган кулфат ҳисобидан ҳам улар анча-мунча пул ишладилар, ҳам ўзларини обдон реклама қилдилар", дейди у афсус ва алам билан.

"Туҳмат — тош ёради, тош ёрмаса — бош ёради", дейдилар. Айбдор Андижон шаҳридаги 50-мактаб ўқитувчиларига нисбатан туҳмат қилганлиги учун шу йилнинг 7 май куни суд томонидан айбдор деб топилган ва энг кам иш ҳақининг 60 баравари миқдорида, яъни 648 минг сўм жарима тўлашга ҳукм қилинган эди. Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди Г.Тўраеванинг ана шу айбловга доир апелляция аризасини ҳам кўриб чиқди ва у белгиланган жарима миқдорини тўлаши керак, деган қарорга келди. Ўйлаймизки, бундан буён Г.Тўраева туҳматнинг киши учун нақадар зарарли эканлигини, унинг эгри кўчасига кирганлар оқибатда тегишлича жазосини олмай қолмасликларини янада чуқурроқ англашида суднинг ушбу адолатли ҳукми муайян роль ўйнайди.

Албатта, Г.Тўраева суд ҳукмидан мингдан-минг рози. "Менга кўрсатилган бундай марҳамат, бағрикенглик ва инсонпарварлик, болаларимга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик учун суддан миннатдорман, — деди у дилидаги ҳаяжонию кўзидаги шашқатор ёшини яшира олмай. — Энди бутун умримни фарзандларим тарбиясига бағишлайман. Албатта, ишга кираман ва болаларимни халқимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялайман. Бундан буён ҳеч қачон қонунни бузмасликка сўз бераман. Ўйламай босган қадамимдан жуда таассуфдаман, мени виждон азоби қийнамоқда".

Унинг адвокати — "Нажот" хусусий адвокатлик фирмасининг директори Абдуқаҳҳор Усмонов ҳам суд қароридан қаноатланганлигини эътироф этди. "Гулбаҳор астойдил тавбасига таянди, кўзи очилди. У эл қатори ҳаёт оғушига, оиласи, болалари бағрига қайтишни истайди. Бу кўргуликлардан ўзи учун фойдали сабоқ чиқариб олади, деган умиддаман", — дейди А.Усмонов.

Ҳа, биз ҳам Гулбаҳор Тўраеванинг астойдил пушаймонлигига, тавба-тазаррусининг сидқидил эканига, албатта, энди тўғри йўлни топиб олганига ва бу йўлдан зинҳор-базинҳор тоймаслигига ишониб қоламиз. Ахир, донишмандлар: "айбини билган — авлиё", деб бежиз айтмаган-ку!...

М.ЭРГАШЕВА

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

Фарғона вилояти

ВОДИЙДАГИ МУАЗЗАМ ШАҲАР

улкан бунёдкорлик ишларидан сўнг янада гўзал қиёфага кирди

Буюк уламолар, адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан, тарихий ёдгорликлари, миллий меъморчилик анъаналари асрлар оша қадр топиб, асраб-авайлаб келинган Марғилоннинг қадимги шон-шуҳрати шаҳарнинг 2000 йиллик тўйи олдидан қайта тикланмоқда.

Бугун шаҳарда бўлган киши кўчалар, маҳаллалар, маъмурий-маиший бинолар, ўқув даргоҳлари, меъморий обидалар жойлашган ҳудудларда, бозорларда, ҳар бир хонадонда катта тўйга тараддуднинг гувоҳи бўлади.

Тарихдан маълумки, ўтмишда Марғилон ҳудудида 243 та масжид, йигирмага яқин мадраса ва 30 дан ортиқ зиёратгоҳлар бўлган. Ушбу муқаддас жойлар шаҳарнинг олис ва яқин ўтмишини ўзида акс эттирганлиги билан ҳам аҳамиятли. Уларнинг аксарияти ҳозиргача сақланиб қолган. Ана шундай иншоотлардан бири бўлган Саид Аҳмадхўжа Эшон мадрасаси XIX асрнинг охирларида Фарғона меъморчилик мактабининг ўзига хос анъанавий услублари асосида қурилган. Бино деворлари пишиқ ғиштдан бўлишига қарамай, усталар маҳаллий сейсмик шароитларни ҳисобга олиб, мадрасани икки қаторли қўш синч билан мустаҳкамлашган. Унинг айвон ва зал шифтларига сидирға гуллар солинган.

Очиқ осмон остидаги музей сифатида эътироф этилган бу тарихий меъморчилик обидасини қайта таъмирлаш ишлари Зиёвуддин Мамажонов бошлиқ "Кимё қурилиш синтез" маъсулияти чекланган жамияти жамоаси билан бирга республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан келган малакали усталар томонидан амалга оширилмоқда. 20 та ҳужра, катта айвон ва масжид бинолари асл ҳолига келтирилди. Меъморий кўринишдаги янги айвон қад ростлади. Ушбу мажмуада айни кунларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.



Пир Сиддиқ зиёратгоҳи XVII асрнинг ўрталарида қурилган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Бухоро хони Субҳонқулихон (1680-1702 йиллар) томонидан Пир Сиддиқ мозорига вақф ерлар ажратилади. Даврлар ўтиши билан унинг атрофида масжид, минора, мақбарали ҳовли, дарвозахона ҳамда каптархонадан иборат бўлган меъморий мажмуа қад ростлайди. Шу сабабли у халқ орасида "Каптархона", "Каптарли мозор" деб ҳам аталади.

Кўплаб истеъдодли шоирларга устозлик қилган, Шарқда маълум ва машҳур шоира Жаҳон отин Увайсий (XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярми) ёдгорлиги мажмуаси кейинги йилларда марғилонликларнинг зиёратгоҳларидан бирига айланди. Увайсийнинг уч хонали уй-музейи, меъморий кўринишдаги айвон, зиёратхона, унинг қариндошлари дафн этилган сағаналар қайта таъмирдан чиқди. Ҳовли юзида шоиранинг мақбараси тикланди.

Уй-музейдан Увайсийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига ҳамда Марғилон шаҳри тарихига оид экспонат ҳамда манбалар ўрин олган.

Шаҳардан Охунбобоев туманига чиқаверишдаги Бурхониддин Марғиноний ва Ал-Фарғоний номли кўчалар кесишган жойда 8,5 гектар майдонни эгаллаган Ёшлар хиёбони барпо этилмоқда. Шунингдек, Марғилоннинг қадимий Ипак йўли бўйида жойлашганлиги инобатга олиниб, замонавий бозор ва расталар қурилишига ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти.

Айни пайтда шаҳарда катта шодиёналарга тайёргарлик ишлари ҳал қилувчи паллага кирган. Айтиш мумкинки, дунёга донғи кетган муаззам шаҳар — Марғилон Шарқнинг яна бир дурдонаси сифатида қайтадан туғилмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

Самарқанд вилояти

ЖОМБОЙЛИК БОЛАЛАР — БИРИНЧИ!

Маълумки, "Маҳалла" жамғармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида анъанавий "Футболимиз келажаги" Республика турнири мусобақалари ўтказиб келинади. Айни кунларда жойларда ушбу турнирнинг ҳудудий ва вилоят босқичлари ўз ниҳоясига етказилмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги "Локоматив" ўйингоҳида 11-12 ёшли болалар ўртасида мусобақанинг вилоят босқичи финал ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Оқдарё, Пастдарғом, Жомбой туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳри ўсмир футболчилари ўзаро куч синашишди. Қизғин баҳслар остида ўтган мусобақада Жомбой туманининг ёш футболчилари ғолибликни қўлга киритиб, шу йилнинг июль ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган "Футболимиз келажаги" турнирининг Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Ғолиб жамоага "Маҳалла" жамғармаси томонидан "LG" русумли рангли телевизор эсдалик совғаси сифатида топширилди. Шунингдек, барча мусобақа қатнашчилари футбол тўплари ва спорт кийимлари билан тақдирланди.

Исмат ЖЎЛИЕВ,
"Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими масъул котиби.

Болалар спорти

Бухоро вилояти

АФШОРнинг ёш чемпионлари

Маҳалламиз болаларининг жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини эшитиб кўксимиз тоғдек юксалди, — дейди Бухоро шаҳридаги Афшор маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Руқия Багирова.

Афшорлик Гулсумбегим билан Саидқосим Алиев Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган шашка бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этиш учун жўнаб кетишар экан маҳалладошлари уларга оқ йўл тилаб, чемпион бўлиб қайтишларини сўрашган эди. Улар нафақат маҳалладошлари, балки барча юртдошларимиз юзини ёруғ қилиб, медаллар билан Бухорои Шарифга қайтиб келишди. Гулсумбегим 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлган бўлса, Саидқосим Алиев шу ёшдаги спортчилар орасида кумуш медал соҳиби бўлди.

— Фарзандларимнинг бундай яхши натижаларга эришишини билардим, — дейди чемпион болаларнинг ҳам устози, ҳам отаси Муҳсин Алиев. — Чунки улар ёш бўлишларига қарамай, бир қатор нуфузли баҳсларда ўзларидан кучли рақибларига қарши муносиб дона суриб, ғалабани қўлга киритишган.

Гулсумбегим шашка бўйича болалар ўртасида ўтказилган баҳсларда Ўзбекистон чемпиони ҳамда Осиё чемпиони деган унвонларни қўлга киритди. 2005-2006 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақаларида эса иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган.

Саидқосим 2005 йилда болалар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳондаги энг ёш спорт устаси, деган унвонга сазовор бўлганди.

Шу кунларда маҳаллаларда чемпион болалар билан ёшларнинг учрашувлари ташкил этилмоқда.

"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

САЙЁРА УЧУН "СОЯБОН"

Швейцариялик олим Вальтер Зейфриц сайёрамизни жазирама иссиқдан ҳимоя қилиш учун ўзига хос лойиҳа ишлаб чиқди.

У бутун ер юзига соя ташлаб турадиган улкан "соябон"ни ер орбитасига ўрнатмоқчи. Алюминли кўзгу билан жиҳозланган бу йўлдош Зейфриц ҳисоб-китоби бўйича ердан 1,5 миллион километр баландликда жойлашади.

Лойиҳани амалга ошириш учун 45 тонна металл ва 20 йил вақт керак. Лойиҳа баҳоси бутун дунёнинг 20 йиллик ялпи миллий даромадининг 6 фоизига тенг экан.

ТОВУҚЛАР УЧУН РАНГ

Польшалик мутахассис уй ҳайвонлари ва паррандаларга уларнинг боқувчилари кийган кийимлар ранги қандай таъсир кўрсатишини ўрганиб чиқди.

Маълум бўлишича, тўқ ҳаворангли кийим анча яхши экан. Қовоқранг уй паррандаларини нотинчлантирар экан. Товуқхоналарда, ўрдак, ғоз, курка боқиладиган жойларда ишловчилар қора ва жигарранг кийимларни мутлақо киймаганлари маъқул.

ЎТА СЕЗГИР БУРУН

Англиялик олимлар авиакомпаниялар-нинг буюртмасига биноан янги электрон асбоб яратишди.

Бу қурилма ёрдамида йўловчилар юки орасида портлагич ёки қурол-яроғ йўқлиги аниқланади. "Электрон бурун" ҳар қандай портлагични, ҳатто микроскопда кўринадиган даражада кўз илғамас бўлса-да, аниқлайди.

Камолот йўлида ислоҳот

Сурхондарё вилояти

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор қонун, қарор ва фармонлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туманимизда ҳам бу борада бажарилаётган ишларнинг салмоғи катта.

МАКТАБЛАР ТАЛАБГА МОС

янги ўқув йилига қадар тумандаги яна бир қатор таълим масканлари замонавий қиёфага киради

Ҳозир туманда 53 та умумий ўрта таълим мактаби ва 2 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг замон талаблари асосида билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, туманда янги ўқув муассасаларини барпо этиш, таъмирталаб биноларни эса капитал таъмирдан чиқариш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини бойитиш масаласи ҳам эътиборимизда. Хусусан, ўтган 2006 йил давомида "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" доирасида туманимиздаги 6, 21, 28, 41-мактаблар капитал, 7, 19-умумтаълим муассасалари жорий таъмирланди. 22 ва 48-мактабларда эса янги қўшимча бинолар қуриб фойдаланишга топширилди.

Замонавий қиёфадаги бино замонавий жиҳозларга ҳам эга бўлиши керак. Шу боис, қатор мактаблар янги мебеллар ҳамда ўқув лабораториялари ускуналари, замонавий русумли компьютерлар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, тумандаги 10 та мактабгача таълим муассасасига ҳомийлар 6 миллион сўмдан ортиқ маблағга хўжалик жиҳозлари олиб беришди.

Туманимизда халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли фарзандларимизнинг жисмоний етуклиги, соғлом ўсишлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 6, 7, 28 ва 41-мактабларнинг спорт заллари капитал таъмирланди.

Жорий йилда вилоят миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида туманимиз мактабларидан 33 нафар ўқувчи иштирок этиб, улардан 17 нафари совринли ўринларни эгаллашди. Яқинда вилоят ҳалқ таълими бошқармаси туман муассасалари фаолиятининг мониторингини эълон қилди. Унда барча кўрсаткичлар бўйича туманимиз 2-ўринга лойиқ деб топилди.

А.ПАРДАЕВ,
Бойсун тумани халқ таълими бўлими мудири.

Қашқадарё вилояти

ҚАРЛИҚБОҒОТ ТАЖРИБАСИ

Қарши шаҳридаги Қарлиқбоғот маҳалласида миллий ғоя тарғиботи соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Вилоятдаги барча маҳалла, ташкилот ва муассаса вакиллари бу ерда тез-тез бўлиб, тўпланган тажрибаларни ўрганадилар.

Айниқса, ҳафтанинг ҳар жума куни шу ҳудудда яшовчи аҳоли иштирокида ўтказиладиган "Фаоллар гурунги" давра суҳбати диққатга сазовордир. Унда маҳалла фаоллари ва таклиф қилинган мутасадди идораларнинг вакиллари бу соҳадаги сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш билан бирга, ўзларини қизиқтираётган саволларга атрофлича жавоб олдилар ва ҳамжиҳатликда мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини топадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларга бағишлаб Қарши шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда вилоят маҳаллалари, таълим муассасалари, корхона ҳамда ташкилотларнинг маънавият-тарғибот марказлари вакиллари, кўргазма семинар қатнашчилари Қарлиқбоғот маҳалласида бўлиб, маънавият-тарғибот ишларининг йўлга қўйилиши билан танишдилар.

МУХБИРИМИЗ

Бандлик муаммоси ечими

Навоий вилояти

Кармана туманидаги Деҳқон маҳалласида истиқомат қилувчи Инобат Шодмонова қўлида гулдек ҳунари бўла туриб уйда ишсиз ўтирарди. Қайнонаси Майрам опа тушунган аёллардан эмасми, маҳалла раисаси Раҳима Комиловага учрашиб, бирор корхона билан касаначилик асосида иш бошлаш ниятида эканини айтди. Маҳалла раисаси ташаббусни қўллаб-қувватлади, бу борада Президент фармони борлигини айтиб, йўл-йўриқ кўрсатди.

УЙ БЕКАСИ ИШЛИ БЎЛДИ

бундан оила ҳам, корхона ҳам манфаат кўрмоқда

Жорий йил бошида Майрам Шодиева "Навоий" азот ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузиб, касаначилик асосида уй меҳнатини йўлга қўйди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг вилоят бўлими унга 1 млн. 200 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

Бугунги кунда Инобат Шодиева шогирдлари Комила Мардонова, Дилдора ва Муҳаббат Ашуровалар билан биргаликда тикув цехи ташкил этиб, буюртмачи корхоналарга тўққиз турдаги иш кийими ва қўлқоплар етказиб бермоқда. Бундан ташқари, маҳалла аҳлининг буюртмаларини ҳам ўз вақтида ва сифатли бажариб, даромадларига даромад қўшмоқдалар.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

"МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН!"

"Микрокредитбанк"нинг Куйганёр филиали жамоаси ана шу шиор асосида иш юритади

Ҳалимжон Шокиров Андижон туманидаги Оқёр таъмирлаш корхонасида узоқ йиллар мобайнида уста бўлиб ишлаган. Корхона таназзулга учраб, фаолиятини тўхтатгач, уста ўзи мустақил иш бошлаш ҳақида кўп ўйлади. Бироқ бунинг учун катта маблағ керак эди.



— Бу масалада банкимиз сизга ёрдам беради, — деди "Микрокредитбанк"нинг Куйганёр филиали бошқарувчиси Одилжон Юсупов. — Сиз ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, хом-ашёни қаердан олиш ва қандай мижозлар билан ишлаш ҳақида батафсил маълумотларни ёзиб, бизнес режа тузиб келинг. Тез орада ишни бошлаб юборасиз.

Ҳалимжон Избоскан тумани Чувама қишлоғидаги ўз ҳовлисида бўш турган бинони устахонага айлантирди, моторларга ўраладиган симни Шаҳрихондан келтирди. Устанинг эски мижозлари — пахта тозалаш корхоналаридан дастлабки буюртмалар келди. Банк тадбиркорнинг бизнес режасини ўрганиб чиқиб, сўнг 2 миллион сўм кредит ажратди.

Тадбиркор иш бошлаганидан бери беш ойдан ортиқ вақт оралиғида мижозларнинг салкам 2 миллион сўмлик буюртмаларини бажарди. Ҳозир "Ҳулкар" кичик корхонасида Ҳалимжон билан яна тўрт нафар киши меҳнат қилмоқда. Тадбиркор келажакда хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириб, ишчилар сонини икки баробарга кўпайтиришни ният қилиб турибди.

Андижон туманидаги Найман қишлоғида истиқомат қилувчи Жаҳонгир Холматов асаларичилик борасида тажрибага эга. Лекин маблағ йўқлиги боис севимли ишини бошлай олмаётган эди. "Микрокредитбанк" филиали унинг бизнес режаси билан танишгач, 500 минг сўм кредит ажратди. Айни пайтда Жаҳонгир йигирмата асалари қутиларини сотиб олиб, асал етиштирмоқда.

Ташкил топганига эндигина бир йилдан ошган бўлишига қарамай филиал туман аҳолисига 2,5 миллиард сўмга яқин турли кредитлар беришга эришди. Бунинг натижасида ўнлаб янги ишлаб чиқариш конхоналари ташкил этилиб, юзлаб кишилар иш билан таъминланди. Бошқача айтганда, банк филиали кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига, жами 138 та тадбиркорлик субъектларига 340 миллион сўмдан зиёд микрокредитлар ажратган. Микролизинг хизмати туфайли ҳам туман фермер хўжаликларига кўплаб тракторлар, уларнинг двигателлари, культиваторлар, сеялка ва зараркунандаларга қарши кураш ускуналари ҳамда бошқа тирков асбоблари етказиб берилди. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида тўрт жойда минибанклар очилди.

— Ўтган давр оралиғида мижозларимиз сони олтмиш фоизга кўпайди, — дейди филиал бошқарувчиси. — Ҳозирда банкимиз 1100 та мижозга хизмат кўрсатаяпти. Олдимизда турган асосий мақсад — мижозларимизнинг ишончини оқлаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш. Аминманки, жамоамиз бунинг уддасидан чиқа олади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *мотор таъмирловчи уста Ҳалимжон Шокиров.*
Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

"Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир..."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасидан.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ ОЛИШИМ МУМКИНМИ?

Эрим қазо қилганидан сўнг турмушга чиқмадим. Фарзандим ҳам йўқ. Шу боис, бирорта янги туғилган болани фарзандликка олмоқчи эдим. Аммо уни парваришлаш учун ишдан етарлича вақт ажрата олмайман. Чақалоқни фарзандликка қабул қилганим учун ишдан қўшимча таътил олишим мумкинми?



Жавоб:

ИШ ЖОЙИ ВА ЛАВОЗИМ САҚЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 235-моддасига мувофиқ, янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қўшимча таътиллар берилади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 234-моддасига биноан ...аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади...

Аёл ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш, таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаши мумкин. Бунда унинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади...

Дунё ажойиботларга тўла!

ОЙ билан ЗУҲРА "УЧРАШДИ"

Жорий йилнинг 18 июнида кечки соат тўққиз атрофида жуда кам учрайдиган табиат ҳодисаси юз берди. Ой бир неча дақиқага Зуҳра сайёраси билан туташди. Тўрт кунлик Ой бир неча дақиқа давомида энг ёрқин юлдуз — Зуҳра сайёрасини тўсиб турди. Бу ҳодиса тунги осмонда шундай ажойиб манзара касб этди.

СУРАТДА: *ушбу онда Зуҳра Ойнинг қошида бир неча дақиқалик "меҳмон" эди.*

Ўзбекистон Фанлар академияси Фалакиётшунослик институти директори, физика-математика фанлари доктори Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ бу ҳодисани шундай изоҳлади:

— Бу жуда кам учрайдиган ҳодиса. Мазкур туташиш Венеранинг Ойдан максимал равишда узоқлашган вақтида юз берган. Энг қизиқарлиси, бу ҳодиса юртимизда илк бора телескоп ёрдамида кузатилди. Ушбу телескоп буюк фалакиётшунос аждодимиз Улуғбек яшаган Самарқанд шаҳрида ўрнатилган. Ўтган йили Самарқанд давлат университети қошида Марказий Осиёда ягона бўлган илмий-ўқув обсерватория ташкил этилган эди. Расадхона машҳур "Граб Парсонс" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, асосий ойнасининг айланаси 48 сантиметрга тенг бўлган телескоп билан жиҳозланган. Бугунги кунда ушбу телескопдан талабалар, аспирантлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, умуман, фалакиёт гўзаллигини қадрловчи ҳар қандай одам осмоннинг тунги гўзал манзарасини, олис сайёраларни, Ойдаги тоғ ва кратерларни (улар орасида буюк бобокалонларимиз Улуғбек, ал-Фарғоний, Ибн Сино номи билан аталувчилари ҳам бор) томоша қилишлари мумкин.

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Наманган вилояти

"ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ"

Намангандаги Халқлар дўстлиги маҳалласида "Ўзбекистон — Ватаним маним" шиори остида болалар расмлари танлови бўлиб ўтди. Ушбу маҳаллада қирққа яқин миллат вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда.

Танлов маҳалла фуқаролар йиғини, Намангандаги ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилди. Болалар чизган расмларда уларнинг бой маънавий дунёси, Ватанга муҳаббати, тинчлик ва дўстликка интилиши акс эттирилган. Кўпчилик қатнашчилар расмларида ўз қобилиятини, дунёқарашини намойиш этган.

— Танлов ва мукофотларни топшириш маросими болалар учун ҳақиқий байрамга айланди, — дейди маҳалла раиси Ҳабибулло Абдухалимов. — Танловда Имонбек Асанов ва Света Лигай ғолиб чиқди. Уларга маҳалла фуқаролар йиғини, вилоят миллий маданий марказлари, вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси совғалари тақдим этилди. Байрамда турли ёш ва миллатдаги болалар шеърлар ўқиди, ашула айтиб, рақсга тушдилар.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЧАҚҚОН БЕКАЛАР ВА ЭПЧИЛ ҲАМШИРАЛАР

Нукус шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлинмаси ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилди.

Уй бекалари ҳамда шаҳар бирлашган шифохонасига қарашли даволаш муассасаларининг ҳамшираларидан иборат 120 нафар спортчи икки гуруҳга бўлиниб куч синашди.

26-34 ёшгача бўлган хотин-қизлар ўртасида маррага биринчи бўлиб Гулистон Ихлосова етиб келди. Қундуз Қидирбоева иккинчи, Элмира Сарибоева учинчи ўринни эгаллади. 35 ёшдан катталар баҳсида Муҳаббат Худайназарованинг омади келди. Кейинги ўринлар Ольга Никитина ва Улбика Омониёзовага насиб этди.

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МУСОБАҚАЛАРИ

Тахиатош шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Ёз-2007" спорт ўйинлари доирасида миллий кураш бўйича шаҳар очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари шаҳар бўлимлари ташаббуси билан оромгоҳлардан ташқари, уй шароитида дам олаётган болалар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақада 1994-97 йилларда туғилган саксон нафардан зиёд ёш спортчи гиламга чиқди.

Унда Нукус тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. С.Холбоев, Ж.Рейимбоев, Е.Юсупов каби ёш полвонлар ўз вазн тоифаларида рақиблари устидан ишончли ғалабани қўлга киритиб, жамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшдилар.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Бир иншоот тарихи

ОЛТМИШ ЁШЛИ ҲАШАМДОР БИНО

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет театри биноси бундан 60 йил муқаддам қурилганди

XIX асрнинг 70 йилларидан Тошкентнинг Янги шаҳар қисмига асос солиниб, қурилиш ишлари тезкорлик билан бошланиб кетди. Бўлажак Янги шаҳарнинг маркази ҳозирги Алишер Навоий номидаги театр майдони атрофлари бўлиб, бу ерларга дастлаб турар-жой бинолари билан бирга савдо дўконлари ва расталари қурилиб, унча катта бўлмаган бозор майдони вужудга келди. XX асрнинг 20-30 йилларида ҳам бу бозор мавжуд бўлган. Кейинчалик унинг ўрнида Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет театри биносини қуриш режалаштирилди.

Театр биноси моҳир архитектор, академик А.В.Шчусов лойиҳаси бўйича қад ростлаган. Бино лойиҳаси 1934 йилдаёқ тузилган бўлса-да, қурилиш ишлари 1938-1947 йиллардагина амалга оширилди. Театр биносини қуришда, айниқса, уни безашда республикамиздаги энг донгдор халқ усталари қатнашдилар. Қурилишда ўзбек халқининг қадимий бадиий анъаналари ижодий татбиқ қилинган. Бино ташқи томондан махсус пардозли ғиштчалар билан қопланган. Безакларда ганч, мармар, ёғочдан кенг фойдаланилган. Театр биносига кираверишдаги пешайвон шаклидаги равоқлар (уларнинг учтаси олд, иккитаси ён томонда) қаторидан иборат. Ён томонидаги узун айвоннинг ҳар бири тўққиз равоқни ташкил этади.

Театр биносининг ички қисми фойе, тамоша зали, саҳна, артистлар учун мўлжалланган хоналар ва уч қаватга жойлашган заллардан иборат. Унинг кўркамлигини таъминлашда ганчкорлик санъати қўл келди. Қурилиш ишларига жалб қилинган машҳур халқ усталари асрлар давомида сайқал топган қадимий санъатнинг етук намуналарини яратдилар. Усталар театрнинг олти зали безагида қадимги ўзбек меъморлик марказларининг ўзига хос услублари ва анъаналарини, нақш услубларининг турли хусусиятларини намойиш қилдилар. Хусусан, театрнинг Бухоро хонасида қадимги нақшларнинг меъморий деталлари ва ганч ўймакорлиги тадрижий жамланиб, жуда ҳашамдор қилиб ишланган. Бу хона жимжимадорлиги, ўймакорлиги, барча қисмларнинг ўзаро монанслиги, безакларининг нозик ва нафислиги билан ажралиб туради. Буни бухоролик машҳур ганчкор уста Ширин Муродов моҳирона бажарган. Театрнинг Тошкент хонасига лавҳа (панно)лар, равоқ ва ажойиб гулдасталар ишланган. Деворлар мажнунтол ва доира шаклидаги палаклар, нозик ишланган гуллар билан безатилган. Бу ишларни тошкентлик машҳур ганчкор, ўймакор уста, Ўзбекистон халқ рассоми Тошпўлат Арслонқулов бажарган. Хива хонасидаги ганч, мармарга ишланган шакл ва нақшларни нақҳош, безак санъатининг машҳур намояндаси Абдулла Болтаев яратган. У театр биносининг Хива залини безаган усталарга раҳбарлик қилган, бино эшиклари, тош деталларидаги нақшлар унинг чизмалари асосида ишланган. Бу ижодий иши ва нақҳошлик санъати соҳасидаги самарали хизматлари учун устага 1948 йили Давлат мукофоти берилди. Театрнинг Самарқанд хонасидаги ўймакорлик безакларидаги йирик гул ва барглар шаклининг бўртмали ўйилиши, муқарнасли (безак тури) гумбаз ва жозибадор лавҳаларни самарқандлик ганчкор уста Қули Жалилов бажарган. Моҳир уста ижодига мансуб Самарқанд залидаги ўймакорлик санъати ҳар бир тамошабиннинг ҳавасини келтиради.

Фарғона хонасида ўлканинг меъморий безакларига хос бўлган ўсимлик-гулсимон безаклар асосий ўрин эгаллайди. Бу хонани қўқонлик таниқли нақҳош Саидмаҳмуд Норқўзиев безаган. Бино ичидаги мармардан ясалган икки асосий зина панжараларига ўйилган нозик ва гўзал нақшларни самарқандлик акаука Жалол ва Болта Жўраевлар ишлашган.

Театр биносининг пастки залидаги расмларда санъатнинг тўрт хили — мусиқа, рақс, шеърият ва рассомликни ифодаловчи мажозий образлар (гўзал аёллар) тасвирланган, иккинчи қаватнинг ўрта залида Алишер Навоий достонлари асосида лавҳалар ишланган. Ушбу тасвирларнинг яратилишида машҳур халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг хизматлари салмоқлидир. Рассом бу ишларни бажаришда зангори, пушти, кумуш, сарғиш каби майин ранглардан усталик билан фойдаланган.

Шундай қилиб, санъат кошонасини безатиш ишлари давлат мукофоти лауреатлари — халқ усталари Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, уста Қули Жалилов, Абдулла Болтаев, Жалол Жўраев, Саидмаҳмуд Норқўзиевлар томонидан юксак маҳорат билан амалга оширилган.

Энг эътиборли жиҳати шундаки, орадан йиллар ўтиб Алишер Навоий номидаги театр амалий санъатимизнинг ўзига хос санъат зиёратгоҳи бўлиб қолди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Тошкент вилояти

"СЕМУРҒ" БАҒРИДА ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ

Бўстонлиқ туманидаги хушманзара Хондайлиқ қишлоғида жойлашган "Семурғ" оромгоҳи болаларнинг ёзги таътилларини мароқли ташкил этиш борасида юртимиздаги энг илғор дам олиш масканларидан бири ҳисобланади.

СУРАТДА: *"Семурғ"да болажонларнинг вақти чоғ ўтмоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Самарқанд вилояти

Уч тилда битилган ЙЎЛКЎРСАТКИЧ

қадимий ва навқирон шаҳарга ташриф буюрган сайёҳларга қулайлик туғдиради

Вилоят марказида жойлашган "Афросиёб Палас" меҳмонхонасида "Самарқанд йўлкўрсаткич китоби"нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва "Ўзбектуризм" компаниясининг вилоят бўлими ҳамкорлигида тайёрланган ушбу йўлкўрсаткич, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишлаб чоп этилди.

Китоб инглиз, рус ва япон тилларида бўлиб, унда шаҳарнинг тарихий обидалари, музейлар, меҳмонхоналар тўғрисида, шунингдек, сайёҳлар учун зарур бўлган бошқа маълумотлар жамланган. Китобга вилоятнинг катталаштирилган харитаси илова қилингани, айниқса, хорижлик меҳмонларга қўл келади.

Йўлкўрсаткич тақдимотида қатнашган JICA ташкилоти директори Нориаки Нишимия, "Ўзбектуризм" компаниясининг вилоят бўлими раҳбари И.Сувонов ва бошқалар ушбу қўлланма ҳақида ҳамда Самарқанд шаҳрида туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида гапиришди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қалбинг мулойим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми? Хоҳласанг, етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таомингдан уларга едир. Шунда дилинг юмшаб, ҳожатинг раво бўлур.

Ҳадислардан ҳаралган ҳидоят нури қалбимизга жо бўлсин

* * *

Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб ҳол-аҳвол сўрашиб туриш бу савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир. Зулм ва қариндошлардан узилиб кетишлик эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир.

* * *

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғаниматбилинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни.

Кичикларнинг катта саргузаштлари

12-ҚАВАТДАН "УЧГАН" ҚИЗАЛОҚ...

Хитойлик Ронг исмли ўн ёшли қизча ҳаётида рўй берган ушбу воқеа унча-мунча саргузаштталаб катта ёшдаги одамнинг ҳам ақлини шошириб қўяди. Ронг отаонаси билан осмонўпар уйнинг 12-қаватида яшар экан.

Яқинда у хонадон айвонидаги тувакка ўтказилган гулларга сув қуя туриб ...пастга тушиб кетса бўладими?! "Бечора қизча нобуд бўлибди-да", деб ўйлаяпсизми? "Нақ 12-қаватдан қулаб тушади-ю, тирик қолармиди?" дейишингиз ҳам аниқ. Ёмон ўй-хаёлларга берилмай турсангиз, соз бўларди. Агар Ронг нобуд бўлганида, бу воқеа бошқа минглаб шунга ўхшаш аянчли ҳодисалардан фарқ қилмаган ва қизчани дунёга машҳур этмаган бўларди, албатта. Хуллас, қизча 12-қаватдан йиқилиб тушиб ҳам соғ-омон юрибди. Бахтли тасодифни қарангки, осмонўпар бинодан пастга "учган" қизча бино ёнида тўхтаб турган қимматбаҳо автомашинанинг асл чарм билан қопланган юмшоққина орқа ўриндиғига "қўнибди". Машина эгасининг кейинроқ тан олишича, автосини тўхтатгач, дастлаб унинг "томи"ни ёпиб кетишни ўйлаган экан. Лекин қандайдир ички сезги уни бу фикрдан қайтарган эмиш. Шундай қилиб, "томи" очиқ қолдирилган авто Ронгнинг ҳалоскорига айланди. Қизча дарҳол шифохонага етказилган, маълум бўлишича, у бироз қўрққан ва нозиккина қўлчаси пича лат еган экан. Бор-йўғи шу!

Катта тезликда кетаётган МИКРОАВТОБУС ва ...АБИГАЙЛ

Яқинда америкалик полициячилар ғайриоддий бир воқеага дуч келишди: полиция маҳкамасига бир қизалоқ қўнғироқ қилиб, ўзини Абигайл Паркер деб таништиради. У айни дамда микроавтобусни бошқаришга мажбур бўлиб қолганини айтиб, ёрдам сўрайди.

Тезлик билан айтилган манзилга етиб келган полициячилар ҳайратдан лол бўлиб қолишди. Дарҳақиқат, микроавтобус катта йўлга кўндаланг бўлиб турар, унда бир аёл ва икки мурғак бола бор эди. Аёл тезкор тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб, икки бола, яъни унинг фарзандлари — полицияга қўнғироқ қилган 11 ёшли зийрак қиз Абигайл ва унинг 8 ёшли укаси Том эди. Қизчанинг ҳикоя қилишича, учовлон микроавтобусда соатига 130 км тезликда елиб боришаётган пайт тўсатдан онасининг тоби қочиб, уловни бошқаролмай қолади. Шунда қизча орқа ўриндиқдан ҳушсиз аҳволдаги онасининг тиззасига бир амаллаб ўтириб олади-ю, билганича уловни бошқаради. Буни қарангки, қизча микроавтобусни тўхтатишга эришади. Маҳкамага қўнғироқ қилгач эса қўрқиб кетган укаси ва ҳушсиз ётган онасига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга улгуради. Қизчанинг жасоратига қойил қолган полициячиларга у: "Эҳ, автобусимизни йўлга кўндаланг эмас, тўғри тўхтатишга шунча уринсам ҳам, эпполмадим-да, афсус..." деган эмиш! Полициячилар ўз навбатида довюрак қизча катта бўлгач, уни ўз сафларига олишни таклиф қилишибди. Бу таклифга қизчанинг нима жавоб қилгани, бизга номаълум...

М.ҚОСИМОВА тайёрлади.

Қилмиш — қидирмиш

Мамлакатимизда давом этаётган «Қорадори — 2007» тадбирлари давомида наркотик моддаларнинг юртимизга четдан кириб келиши, сотилиши ва истеъмол қилиниши билан боғлиқ жиноятларга кескин барҳам берилмоқда.

ОҒУФУРУШЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Сурхондарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилаётган тезкор тадбирларда наркотик моддалар билан боғлиқ 38 ҳолат аниқланиб, 47 кишига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, ички ишлар ходимлари томонидан Қумқўрғон туманида яшовчи О.Жумаевнинг ҳовлиси тезкор маълумотлар асосида кўздан кечирилганида, кўкнор ўсимлиги парвариш қилинаётгани маълум бўлди.

Бойсун туманидаги "Дарбанд" йўл-патрул хизмати масканида Денов — Қарши йўналишида ҳаракатланаётган қашқадарёлик Р.Муҳиддинов бошқарувидаги «Нексия» автомашинаси тўхтатилганида, йўловчи О.Адҳамовнинг буюмлари орасидан 195 дона гугурт қутисига жойланган 632 граммдан зиёд марихуана, 175 грамм опий моддалари топилди. Денов туманида ўтказилган тезкор тадбир чоғида эса З.Абдужалилов 100 граммдан ортиқ героинни 1,5 миллион сўмга сотаётганида қўлга олинди.

Вилоят ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, фош этилган барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланган. Тадбир давомида қарийб минг квадрат метр майдондаги таркибида наркотик модда бўлган ўсимлик йўқ қилинган.

Вилоятда "Қорадори — 2007" тадбирлари давом этмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Утерянный план квартиры под номером 47 выданный 25.04.2007 г. на имя Хасанова Мансура Шахмахмудовича (по адресу Учтепинский район, квартал 23, дом 30/65) БТИ Учтепинского р-на считать не действительным.

"OLMAZOR — FOOD" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ва "OLMAZOR — FOOD" хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Тел: 389-50-77.

Утерянный диплом № 267507, выданный 28.07. 2005 г. на имя Саттарова Шерали Исраиловича, колледжем "Геодезии и картографии" М.Улугбекского района г. Ташкента считать не действительным.

Утерянный гос. ордер 10-05/130 от 28 марта 1994 г. о праве собственности на квартиру на имя Ягфарова Рифгата Хасановича считать не действительным.

Утерянная круглая печать на имя ЧП "Миноварова Шамсинисо Маматхановна" Хамзинского района считать не действительным.

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда зиддиятли вазиятларга дуч келишингиз мумкин. Бу борада сиздан вазминлик ва ақл билан иш кўриш талаб этилади.

СИГИР(22.04-20.05)

Бахтга эришиш билан бир қаторда уни ушлаб тура олиш ҳам муҳим эканлигини ёдда тутмоғингиз лозим. Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Молиявий масалалар ечимини кейинги ҳафтага қолдириб, шу кунларда оила аъзоларингизга эътиборлироқ бўлишингиз лозим.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ўзгалар фикри билан ҳам ҳисоблашиб туриш эканлиги айни кунларда содир бўлиши кутилаётган воқеаларда яна бир бор ўз исботини топади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни пайтда сизни соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар безовта қилиши мумкин. Уларни бартараф этишга жиддийроқ киришишингиз лозим.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳафта давомида режаларингизни амалга ошириш учун имконият туғилиши кутилмоқда. Бу борада таваккал қилишдан чўчиманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда ҳамкасблар билан муносабатда эҳтиёткорроқ бўлсангиз, турли келишмовчиликларнинг олдини олган бўласиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Сиздаги кўнгилчанлик ҳафта давомида юзага келиши кутилаётган воқеаларда рақибларингизга қўл келишига йўл қўймаслигингиз лозим.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни кунлардаги юмушларингиз натижаси яқинларингизга боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай экан, улар билан маслаҳатлашишни унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ушбу ҳафта харидларингиз самарали бўлиши кутилмоқда. Дам олиш кунларини яқинлар даврасида ўтказганингиз маъқул.

КОВҒА (20.01-18.02)

Айни кунларда қизиқарли маълумот ёки янгиликдан воқиф бўласиз. Шу билан бирга, ҳаётингиздa ўзгариш содир бўлиши кутилмоқда.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ушбу ҳафтада тугалланмаган юмушларингизни ниҳоясига етказсангиз, кутилаётган янги режаларингизни амалга оширишга имкон туғилади.

Бойсун тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси Мустақиллик маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Ҳадича Маматалиевага онаси **Ҳидоят ИМОМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

15768 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 22.30
23456